

**«Toshkent issiqlik markazi» ДУК молиявий - хўжалик фаолияти яқунлари бўйича  
Ижрочи орган – Директорнинг 2022 йил 1 чораги бўйича Ҳисоботи**

Давлат корхонасининг расмий номи - «Toshkent issiqlik markazi» Давлат унитар корхонаси

1.1. Тармоқ: Коммунал хизмат кўрсатиш

1.2. Мулк шакли - давлат

1.3. Ташкил этилган йили – 1969 й., Қайта ташкил этилган сана – 01.07.2001 й. ОАЖ га, 23.12.2016 й. "Toshkent issiqlik markazi" ДУК га.

1.4. Муассис – Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси.

1.5. Бошқарув органлари: Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган– Директор – Султонов Ш.Р.

1.6. Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, п/б 164

1.7. Веб-сайт – [www.tashteplocentral.uz](http://www.tashteplocentral.uz),

1.8. Электрон почта манзили - [tashteplocentral@mail.ru](mailto:tashteplocentral@mail.ru).

1.9. Банк реквизитлари – «Ипотека-Банк» шаҳар филиали, МФО - 00419, ИНН 200524323, х/р 2021000060018848001

1.10. 2022 й.01.04. ҳолатига ишлаб чиқариш қувватларини ишлатиш коэффициенти – 36,7.

Давлат корхонаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорларини ва бошқа қонун ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ва фармойишларини, бошқа норматив қонун ҳужжатларини, шунингдек Низомни қўллайди.

**1. Умумий таснифи ва ишлаб чиқариш фаолияти.**

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКнинг асосий ва ягона ишлаб чиқариш фаолияти Тошкент шаҳри аҳолисини ҳамда бошқа истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти бўйича эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК таркибига тўққизта иссиқлик манбалари ва ёрдамчи цехлар киради, булар: электроцех, ИАЎцехи, МТЦ, Гараж, темир йўлдан юкларни қабул қилиш участкаси.

Иссиқлик манбаларидаги сув иситиш қозонларини умумий миқдори 48 донани ташкил этади қозонларнинг ўрнатилган қуввати 4580 Гкал/соат ва буғ қозонларини миқдори 8 донани ташкил этади, уларнинг ўрнатилган қуввати 99 Гкал/соат, шу жумладан:

1-ИМ да 6та қозон – 500 Гкал/с

7-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с

3-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с

8-ИМда – 6та қозон – 300 Гкал/с, 2 та буғ

4-ИМда – 12та қозон – 900 Гкал/с, 2та

қозони-9 Гкал/соат

буғ қозони -30 Гкал/соат

9-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буғ

5-ИМда- 8та қозон – 700 Гкал/с

қозони-30 Гкал/соат

6-ИМда – 4та қозон – 300 Гкал/с

10-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буғ

қозони-30 Гкал/соат

«Toshkent issiqlik markazi» ДУК Тошкент шаҳридаги иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи асосий корхона бўлиб, шаҳарнинг 75% эҳтиёжини қоплайди. «Toshissiqquvvati» ДУК корхонанинг улгуржи харидори ҳисобланади ва ўз навбатида Тошкент шаҳри аҳолисига ҳамда бошқа истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини реализация қилади.

2022 йилнинг 1 чорагида узатилган иссиқлик энергиясини ҳажми 3542,2 минг.Гкални ташкил этди, 2021 йилдаги 3787,6 минг.Гкалга нисбатан, яъни 245,4 минг.Гкалга ёки 6,5% га кам. Иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилишининг ўтган йилга нисбатан пасайиши, об-ҳавонинг нисбатан иссиқ келиши ва иситиш мавсумини эртароқ яқунланганлиги билан боғлиқ. Тошкент шаҳар истеъмолчиларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш шартномага асосан,

улгуржи харидор – қайта сотувчи «Toshissiqquvvati» ДУК томонидан топширилган параметрларга қатъий риоя қилган ҳолда, амалдаги газ босимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда, хатоликлар йўқ. Корхонада иссиқлик энергиясини меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26.05. даги ПҚ-3012-сонли «2017 - 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини келгусида таъминлаш бўйича корхонада табиий газ ва электр энергияси истеъмолини пасайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Энергоресурслар сарфини ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш таннаرخини пасайтириш бўйича чора – тадбирларни амалга ошириш натижасида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК 2022 йилнинг январь-март ойларида ҚҚСсиз 183,3 млн.сўмлик 468,5 минг.кВт.ч эл.энергия иқтисодига эришилди.

Натижада шартли ёқилғининг солиштира сарфи 158,4 кг/Гкал режага нисбатан 153,3 кг/Гкални ташкил этди, яъни 3,2%га кам, электр энергиясининг солиштира сарфи 32,9 кВтч/Гкал режага нисбатан 32,6 кВтч/Гкални ташкил этди, яъни 0,9%га кам.

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун қуйидагилар сарф этилди:

Табиий газ – 468383,5 минг.м<sup>3</sup>

ИОМС кислотаси – 61,65 тн.

Электр энергияси – 116035,8 минг.кВт.с

Сульфат кислотаси – 796,18 тн.

Совук сув – 35940,4 минг.м<sup>3</sup>

Техник туз – 6307,8 тн.

## 2. Иссиқлик марказларини 2022-2023 й.й. ҚҚМ тайёрлаш

2021-2022 й.й. иситиш мавсуми талофатларсиз ўтказилди, Тошкент шаҳар Ҳокимининг 2022 йил 31.03.даги «Тошент шаҳрида 2021-2022 йилдаги иситиш мавсумини яқунлаш тўғрисида»ги 323-14-0-Q/22 –сонли Қарорига мувофиқ иситиш мавсуми 2022 йил 01 апрель кунини яқунланли. Иссиқлик марказлари топширилган режим асосида ишламоқдалар.

Корхонамиз томонидан ««Toshkent issiqlik markazi» ДУК 2022-2023 й.й. ҚҚМ тайёрлаш бўйича чора – тадбирлар дастури» ишлаб чиқилган ва тасдиқлаш учун Тошкент шаҳар УЖКХКББ тақдим этилган.

Шу жумладан:

- қозонларнинг иситиш юзасини капитал таъмирлаш ( 1,3,4,5,7- ИМ) – 5 дона
- қозонларнинг жорий таъмири 1,3-10 - ИМ – 56 дона
- насос агрегатларининг капитал ва жорий таъмири 1,3-10 - ИМ – 237 дона
- қувурлар ва ёрдамчи ускуналарнинг иссиқлик сақлаш қопламаларининг капитал таъмири – (3,4,7-ИМ) - 1500 м<sup>2</sup>.
- қозон дудбўронларининг коррозияга қарши қопламаларини янгилаш – (3,4,5-ИМ) – 4 дона
- қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш – (5-ИМ,Гараж) - 2 дона
- бакларни капитал таъмирлаш – (7-ИМ) – 1 дона
- қозон дудбўронини алмаштириш – (5-ИМ) – 1 дона
- табиий газ сарфи ҳисобини юритиш мосламаларини Autopilot PRO га алмаштириш (9,10 - ИМ) – 2 дона

- сув тайёрлаш қурилмаларини максимал юқламаларни олишга тайёрлаш:

3,4,5- ИМ Фильтрларни ички коррозияга қарши қопламаларини тиклаш йўли билан капитал таъмирлаш – 3 дона:

фильтрларга сульфоголь юклаш – 10тн.

фильтрларга КУ-2 (пьюролайт) юклаш – 10тн.

Мазут захирасини ярашиш – 4500 тн

Кимёвий реагентлар захирасини тузиш:

- туз – 2500 тн., - сульфат кислотаси – 300 тн., - ИОМС – 30 тн.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК тасарруфидаги иссиқлик марказларини 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш вақтида бюджет маблағлари кўзда тутилмаган. Таъмир ишларини молиялаштириш манбаси – корхонанинг ўз маблағлари. Иссиқлик марказлари ускуналарини тайёрлаш ишлари 2021-2022 й.й. иситиш мавсуми якуни бўйича бошланади.

Иссиқлик марказлари ускуналарини иш ҳолатида сақлаб туриш ҳар йили мукамал таъмир ишларини бажариш йўли билан амалга оширилади (ҳозирги кунда қозонларнинг ФИК 90%дан кўпни ташкил этмоқда), лекин келгусида иқтисодга эришишни фақатгина ишлаб чиқаришни модернизация, реконструкция ва янги асбоб – ускуналар билан таъминлаш ҳисобига амалга ошириш мумкин, мазкур ишлар учун мақсадли маблағлар лозим (иссиқлик марказлари 1969-1986 йиллар оралиғида ишга туширилган, 2022 йил 01.04. ҳолатига асосий воситаларни ишдан чиқиши 75,7% дан кўпини ташкил этмоқда) .

3. Давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш.

1. Ҳозирги кунда Бутунжаҳон банки иштирокида «Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш (Тошкент 8-ИМ «Сергели»)» Лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Хорижий консультант FCG Design end Engineering LTD (Финландия) томонидан лойиҳанинг ТИА ишлаб чиқилган ва INOX Oil Services (Ўзбекистон) томонидан лойиҳанинг ЗВОС ишлаб чиқилган. «Коммунхизмат» агентлиги қошида лойиҳани бошқариш гуруҳи (ЛБГ) ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12.04.даги 306-сонли Қарори чиқарилган бўлиб, мазкур қарор билан МАР кредити ҳисобига 16,53861 млн.доллар, ҳамда давлат бюджетидан 2,89026 млн.доллар миқдоридagi маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда халқаро консультант (Consulting Engineering Control Techniques - СЕСТ, Россия) ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан тендер савдолари ўтказилиб, таклифлар олинди. Таклифларни ўрганиш бўйича баҳолаш комиссияси ташкил этилди.

2. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан "Toshkent issiqlik markazi" ДУК 3,4,5,8 - иссиқлик марказлари ҳудудида SIEMENS ENERGY GLOBAL GmbH & Co.KG ва STONE CITY DEVELOPMENT B.V. билан ДХШ (давлат-хусусий шериклик)ни ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Биринчи босқичда юқорида қайд этилган иссиқлик марказларида газ поршенли ва газ турбина қурилмалари ускуналарини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Stone City D.B.V. томонидан «Тошкент шаҳрида иссиқлик станцияларини модернизация қилиш» лойиҳасининг баҳолаш ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва кўриб чиқиш учун «Toshkent issiqlik markazi» ДУКга Молия вазирлиги орқали тақдим этилди. 2022 йил 11 март куни Stone City D.B.V., Тошкент шаҳар ҳокимияти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ва «Toshkent issiqlik markazi» ДУК вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан тақдим этилган материаллар ўрганиб чиқилди ва 2022 йил 15 март куни мазкур лойиҳа бўйича камчиликлар, изоҳлар ва таклифлар юборилди.

Кўриб чиқиш якунлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳокимиятида учрашув бўлиб ўтди ва лойиҳа концепциясини қайта кўриб чиқиш бўйича қаор қабул қилинди. Stone City D.B.V. томонидан янги лойиҳа ишлаб чиқилади ва кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этилади. Ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги «Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш тўғрисида»ги 594-сонли қарорининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари ва Тошкент шаҳар Ҳокими томонидан тасдиқланган «Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизимида давлат-хусусий шериклик асосида ишларни ташкил этиш бўйича» Чора – тадбирлар режасига мувофиқ:

- «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан 2022 йил 01.05. ҳолати бўйича асосий дебитор - «Toshissiqquvvati» ДУК ҳамда асосий кредиторлари: табиий газ, электр энергияси ва совуқ сув етказиб берувчилар («Hududgaz Poystaxt» газ таъминоти филиали, «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korhonasi» АЖ, «Toshkent shahar suvta'minot» МЧЖ) ва Давлат солиқ инспекцияси билан солиштирма Далолатномалар тузилиши белгилаб берилган (8.9. банд).

- «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан «Худудгазтаъминоти» АЖ ва «Худудгаз Пойтахт» газ таъминоти филиали раҳбарига «Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш» шартномасининг янги лойиҳасини келишиш учун юборишини ёки хатнинг 1-сонли иловасига мувофиқ босим кўрсаткичлари ва газ истеъмолининг ҳажми бўйича янги шартнома қийматларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги шартномага қўшимча келишувни сўраб хат юборилган (2022 йил 08.04.даги 468/28-31-сонли хат). Жавоб хати ҳали келмаган (11 банд).

- «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни узатиш бўйича 2022 йилги шартнома лойиҳаси тайёрланган, мазкур шартнома лойиҳаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси билан мувофиқлаштирилган (2021 йил 14.12.даги 02/05-1222-сонли хат). Айни вақтда мазкур шартнома лойиҳаси Тошкент шаҳар ҳокимияти ва «Veolia Energy Tashkent» МЧЖга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим етилган («Toshkent issiqlik markazi» ДУК нинг 2022 йил 16.03 даги 360/28-31- сонли хати). Жавоб хати ханузгача келиб тушмаган (12-банд).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 3.32-банди.

2022 йилда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар жалб этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 4-банди.

«Toshkent issiqlik markazi» ДУКда мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари мавжуд эмас.

### 3. Моддий – техник таъминот. Шартномавий – ҳуқуқий ишлар

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни тасдиқланганлиги муносабати билан хом – ашё ва материаллар электрон магазин орқали харид қилинади - «Toshkent issiqlik markazi» ДУК давлат харидори сифатида белгиланган.

Корхонада «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун талабларини таъминлаш тўғрисида»ги директор буйруғлари (2022 й.08.01.даги 13-сонли ва 2022 й. 29.03.даги 48-сонли) қабул қилинган бўлиб, мазкур буйруғларга мувофиқ барча турдаги харид жараёнлари белгиланган, харид жараёнларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс тайинланган ва харид комиссиясининг таркиби тасдиқланган.

2022 йилнинг 1 чорагида давомда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК да 198 дона хўжалик шартномалар тузилган, шу жумладан:

- «Toshissiqquvvati» ДУК билан иссиқлик энергиясини узатиш учун.

- табиий газни етказиб бериш учун

- электр таъминоти учун етказиб бериш учун

- сув таъминоти учун

- бошқа турдаги таъминотчилар билан (моддий – техник таъминот) умумий қиймати 8 786 млн.сўм бўлган 138 дона миқдорида

- пудратчи ташкилотлар билан умумий қиймати 1 915 млн.сўм бўлган 56 дона миқдорида

2022 йилнинг 1 чорагида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан қиймати 1 534 млн.сўм бўлган 23 дона тўғридан – тўғри шартномалар тузилган (автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, метрологик хизматни инспекцион назорати, архив хизматлари, СМР, тиббий дори воситаларни харид қилиш ва бошқалар).

2022 йил 1 чорагида кимёвий реагентлар харид қилинди, шу жумладан техник туз – 6190 тн., сульфат кислотаси – 497,6 тн., ИОМС – 38,08 тн., мазут – 2056,06 тн., катионит – 1,8 тн., металлопрокат, подшипниклар, электродлар, цемент. 2022 йил 01.04. ҳолатига туз захираси 4254,249 тоннани ташкил этмоқда, сульфат кислотасининг захираси 192,86 тоннани, ИОМС захираси 25,268 тоннани ва мазут захираси 12273,239 тоннани ташкил этмоқда.

Металл чиқиндиларини топшириш:

- қора металл – режа бўйича 68 тн., амалда 2022 йил 1 чорак учун 76,556 тонна ҳажмида топширилган

- рангли металл – режа бўйича 500 кг., амалда 394,15 кг. ҳажмида топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-илова 3-банди.

Тузилган шартномаларни шартларига риоя қилиш бўйича назорат юритилмоқда. Дебитор қарздорлик мавжуд бўлган ҳолатларда қарздор корхоналарга эътирозномалар тақдим этилган (2022 йил 1 чорагида жами 7 та эътирозномалар тақдим этилган, шу жумладан 2 таси иссиқлик энергиясининг улгуржи харидор – қайта сотувчиси «Toshissiqquvati» ДУКга). Эътирозномаларнинг аксарият қисми қониқтирилган.

«Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан қуйидаги суд органларига аризалар тақдим этилган:

Ҳакамлик судига:

- 2022 йил 14.02.да «Toshissiqquvati» ДУКга нисбатан шартнома мажбуриятларини бажармаслик, иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси учун пул маблағларини ўз вақтида ўтказиб берилмаганлиги учун умумий миқдори 317 536 106 630.0 сўм бўлган асосий қарздорлик ва 114 312 998 105,106 сўм бўлган пени бўйича 226/28-31-сонли ариза. Суд қарори: «Toshkent issiqlik markazi» ДУК фойдасига 279 686 106 630 сўм миқдорида асосий қарз, ва 7 000 000 000 сўм миқдорида пени ундириб берилсин.

Туманлараро иқтисодий судига:

- «Toshissiqquvati» ДУК томонидан Ҳакамлик суди қарорини мажбурий тарзда ижро этиш бўйича ижро варақасини бериш, 2022 йил 10.03.даги 340/28-31-сонли хат. Даъво аризаси қониқтирилган.

5. Молиявий хўжалик фаолияти.

Молиявий ва бошқа турдаги ҳисоботлар корхонанинг молиявий ҳолатини аниқ акс эттирмоқда ва тасдиқланган шаклларга муовфиқ белгиланган муддатларда тузилмоқда.

1. 2022 йил 01.01. ҳолатига узоқ муддатли инвестициялар 27,6 млн.сўмни ташкил қилган, 2022 йил 01.04. ҳолатига – 4 млн.сўмни. «Toshkent issiqlik markazi» ДУК «ТИМ КОММУНАЛ» ПБК МЧЖ таъсисчиси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 03.06.даги «Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 350-сонли қарорига мувофиқ «ТИМ КОММУНАЛ» ПБК МЧЖ тугатиш жараёни олиб борилмоқда

2. 2022 йил 01.01. ҳолатига ишга туширилмаган асосий воситаларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича капитал маблағларнинг қиймати 663 млн.сўмни ташкил қилган, 2022 йил 01.04. ҳолатига 1 184 млн.сўм. Мазкур объектлар бўйича ишлар якунланмаган, уларни бажарилиши бўйича асосий воситаларнинг қиймати ишга тушириш далолатномаси билан реконструкцияга йўналтирилган иш қийматига нисбатан оширилади.

3.«Toshkent issiqlik markazi» ДУК устав фонди 5 875 млн.сўмни ташкил этади

4.2022 йил 01.01. ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолашда захира капитали 38 802 млн.сўмни ташкил қилган, 2022 йил 01.04. ҳолатига 39 667 млн.сўмни ташкил этди.

5. 2022 йилнинг 01.01. ҳолатига «Toshkent issiqlik markazi» ДУК 2019-2021 йилларда асосий хом ашё тарифларига нисбатан иссиқлик энергиясининг тарифини ўз вақтида киритилмаганлиги сабабли юзага келган қопланмаган зарари 21 515 млн.сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг 01.04. ҳолатига «Toshkent issiqlik markazi» ДУК қопланмаган зарари, 2022 й. 1 чорагининг якуни бўйича молиявий натижаларини (фойда 12 716 млн.сўм) ҳисобга олган ҳолда, 8 799 млн.сўмни ташкил этди.

6."Toshkent issiqlik markazi" ДУК учун 2021-2022 йилларда бюджет маблағлари ажратилмаган.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКда давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиниши режалаштирилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-шлова 5-банди.

7. 2022 йил 01.01. ҳамда 2022 йил 01.04. ҳолатига қисқа муддатли ва узоқ муддатли банк кредитлари мавжуд эмас.

8. "Toshkent issiqlik markazi" ДУК асосий воситаларининг қиймати 2022 йил 01.04.ҳолатига 155 701 млн.сўмни ташкил этди, қолдиқ қиймати 37 813 млн.сўм. Асосий воситаларнинг эскириш даражаси 75,7%ни ташкил этмоқда ва уларни иш ҳолатида ушлаб туриш учун қўшимча капитал маблағлар талаб этилмоқда, лекин дебиторлик қарздорлигининг мавжудлиги қўшимча капитал маблағларни ажратиш имконини бермаяпти.

9. 2022 йилнинг 1 чорагида сотилган иссиқлик энергиясидан олинган даромад ҚҚСсиз 377 243 млн.сўмни, ҚҚС билан 433 829 млн.сўмни ташкил этди.

Умумий ҳаражатлар миқдори 362 445 млн.сўмни ташкил этади, шу жумладан:

- ишлаб чиқариш таннархи – 353 347 млн.сум, давр ҳаражатлари – 9 098 млн.сўм.

Об - ҳаво шароитларини нисбатан илиқ бўлганлиги учун иссиқлик энергиясини узатилиш ҳажми пасайганлиги сабабли асосий хом – ашё сарфини кам бўлганлиги ҳисобига ишлаб чиқариш таннархини ҳаражатлари ўтган йилга нисбатан 26 001 млн сўмга ёки 6,9% пасайган.

2021 йилда учта суд қарорининг хулосасига кўра «Худудгазтаъминот» АЖ Тошкент шаҳри буйича ГТХФ буйича 20,34 млрд.сўм миқдорида (тўғридан – тўғри зарар) ҳисобланган давлат божи ва ижро йиғими ҳисобига давр ҳаражатлари ўтган йилга нисбатан 19 502 млн сўмга ёки 3 баробарга пасайтирилган. Ноишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳаражатларни ўсиши 10 %ни ташкил этди, булар солиқ тўловлари ҳамда бошқа турдаги тўловларни ўсиши ҳисобига содир бўлди.

Асосий фаолиятнинг бошқа турдаги даромади 355 млн.сўмни ташкил этди.

Амалда 2022 йил 1-чорагининг якуни бўйича «Toshkent issiqlik markazi» ДУК соф фойдаси 12 716 млн.сўмни ташкил этди, 2021 йил 1 чорагининг якунлари бўйича ушбу кўрсаткич 6 657 млн.сўмни ташкил қилган, мазкур маблағлар ишнинг мавсумий характери билан боғлиқ иситиш мавсуми оралиғидаги зарарни қоплашга йўналтирилади. Бизнес – режани режалаштиришда 2022 йил 1 чорагининг якуний молиявий натижалари ижобий бўлиши режалаштирилган – 1 314 млн.сўм миқдоридаги фойда.

10. 2021-2022 й.й. давомида субсидиялар ажратилмаган, тариф қайта кўриб чиқилмаган. Иссиқлик энергиясининг амалдаги тарифи корхонанинг барча ҳаражатларини қопламайди. ҚҚС ставкаларини 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилганлиги сабабли табиий газ ва эл.энергияси нархлари 4,3%га ва 2021й. 24.01.дан сув нархи 29%га ошган. Натижада ҚҚС ставкаларини пасайиши ҳисобига 2021 йилда қўшимча ҳаражатлар – 31,9 млрд.сўмни, сув бўйича – 8,6 млрд.сўмни ва жами 40,5 млрд.сўмни ташкил этди. 2022 йил 1 чораги учун қўшимча ҳаражатлар газ ва электр энергияси бўйича ҚҚС ставкаларини пасайганлиги ҳисобига 13,2 млрд.сўмни, сув бўйича – 3,2 млрд.сўмни ва жами 16,4 млрд.сўмни ташкил этди, бу ҳолат 2022 йил 1 чорагининг якунлари бўйича соф фойдани пасайишига таъсир этди.

2022 йил 01.04. ҳолатига иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 106500 сўм/Гкални ташкил этади (2019 йил 15.08.да амалга киритилган).

Табиий газ, электр энергияси ва совуқ сувнинг тарифдаги улуши 88,7%ни ташкил этмоқда ва қўшимча ҳаражатларни корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан йил давомида қоплаш имкони мавжуд эмас. Иссиқлик энергияси тарифларини қайта кўриб чиқмасдан ва нархлардаги фарқ сабабли 2021-2022 й.й. юзага келган зарарни қоплаш ишларини амалга оширмасдан 2022 йил якунлари бўйича «Toshkent issiqlik markazi» ДУК фаолиятининг ижобий молиявий натижаларга эришиши мумкин эмас.

2022 йил 01.04. ҳолатига 1 темир йўл вагонини ташиш тарифи ҚҚСсиз 46155 сўм/вагонни ташкил этмоқда.

#### 5.1. Дебитор ва кредитор қарздорлиги.

Бундан ташқари асосий ҳом – ашё нарҳини ўсиши ва иссиқлик энергиясининг тарифларни қайтадан кўриб чиқмаслик дебитор ва кредитор қарздорлигини ўсишига тўғридан - тўғри таъсир қилади, мазкур ҳолатга қатъий равишда йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги кунда «Toshkent issiqlik markazi» ДУКнинг кредиторлик қарздорлиги дебиторлик қарздорлигидан 30,1 млрд.сўмга ошиб кетган, бу корхонанинг пул маблағларини етишмаслигини ва молиявий ҳолатини ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.

2021 йил сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш тўғрисида»ги 594-сонли Қарори чиқарилган бўлиб, унга асосан «Toshkent issiqlik markazi» ДУКга табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси, сов сув ва солиқ тўловлари бўйича 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра юзага келган қарздорлик тўловларини 5 йил муддатга кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилди.

Натижада:

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКнинг узоқ муддатли дебитор қарздорлиги 1 642 763 млн.сўмни ташкил этади.

2022 йил 01.04 ҳолатига корхонанинг жорий дебитор қарздорлиги 449 529 млн.сўмни ташкил этмоқда, ва йил бошига нисбатан (263 599 млн.сўм) 70,5%га ўсган. Тўловларни тўлаш муддатини узайтириш имконияти тақдим этилганлиги муносабати билан, муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

Корхонанинг асосий дебитори бўлиб «Toshissiqquvvati» ДУК ҳисобланади, 2022 йил 01.04. ҳолатига қарздорлик миқдори 447 945 млн.сўмни ва тўлов муддати узайтирилган қарздорлик 1 642 763 млн.сўм (99,6%)ни ташкил этмоқда, бунинг асосий қисмини қайтариш имкони йўқ бўлиб, меъёрдан ортиқ истеъмол оқибатида йўқотилган ва қисман аҳоли тўловларидан йўқотилган маблағлар.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКнинг бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлари (кредитор қарздорлиги) 1 656 751 млн.сўмни ташкил этди.

2022 йил 01.04 ҳолатига корхонанинг жорий кредитор қарздорлиги 479 583 млн.сўмни ташкил этмоқда, ва йил бошига нисбатан (292 832 млн.сўм) 63,8%га ўсган. Тўловларни тўлаш муддатини узайтириш имконияти тақдим этилганлиги муносабати билан, муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас. Корхонанинг асосий кредитори «Худудгазтаъминот» АЖ Тошкент шаҳри бўйича ГТХФ ҳисобланади 407 853 млн.сўм (85%) ва тўлов муддати узайтирилган қарздорлик 1 632 707 млн.сўм (98,6%).

Дебитор ва кредитор қарздорлигининг тизимли равишда мавжудлигининг асосий сабаби, иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори «Toshissiqquvvati» ДУКнинг тўлов қобилиятсизлиги ва уни пул маблағлари билан қопланмайдиган, меъёрдан ортиқ иссиқлик энергиясини истеъмол қилиши ҳисобига зарар кўриб ишлаши ҳисобланади («Toshissiqquvvati» ДУК меъёрдан ортиқ истеъмолдан кўрган зарари 2019 й., 2020 й. ва 2021 й. учун 288,6, 396,1 ва 356,4 млрд.сўмни ташкил этмоқда).

2022 йилнинг 1 чорагида «Toshissiqquvvati» ДУК томонидан олинган иссиқлик энергияси учун пул маблағлари тушуми умумий ҳисобланган жами 433,8 млрд.сўмдан 245,7 млрд.сўмни (56,6%) ташкил этди. Натижада 2022 йилда учун жами табиий газ ҳажми учун 309,1 млрд.сўм ҳисобланган ҳолда, фақатгина 138 млрд.сўм (44,6%) тўланган.

Корхона томонидан ҳаражатларни қисқартириш ва энергоресурсларни иктисод қилиш, шунингдек дебитор ва кредитор қарздорликларини қисқартириш бўйича ишлар олиб борилмоқда, лекин Тошкент шаҳрининг иссиқлик тизимидаги мазкур масалани комплекс тарзда ҳал этмасдан, корхона мустақил тарзда молиявий ҳолат масалаларини ҳал этиш имконига эга эмас. Ҳозирги кунда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК молиявий ҳолати масаласини ҳал этиш учун қуйидаги масалаларни комплекс равишда кўриб чиқиши талаб этилади:

1. Амалдаги тарифни қайта кўриб чиқиш, соф фойда таркибидаги маблағларни модернизация ишларига сарфланишини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда келгусида асосий ҳом

ашёлар учун тарифлар оширилганда иссиқлик энергияси учун янги тарифларни бир вақтда киритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ҚҚС ставкаларини ўзгартирилиши ҳисобига табиий газ, электроэнергия ва совук сувнинг оширилган тарифларини қўлланиши оқибатида 2021-2022 й.й.да юзага келган қўшимча ҳаражатларни (зарарни) қоплаш учун субсидия ажратиш.

3. «Toshisqquvati» ДУКнинг иссиқлик энергиясини меъёрдан юқори бўлган истеъмоли зарарларини йилда 2 маротаба ҳисобдан чиқариш ва бу маблағларни кейинчалик корхонанинг табиий газ учун қарздорлигини қоплашга йўналтириш.

4. «Toshisqquvati» ДУК томонидан (йиғиладиган пул маблағларини, шу жумладан тирик пул маблағларини) пул оқимларини тақсимлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш. Бу корхона ишини барқарорлаштириш имконини беради ҳамда «Toshkent issiqlik markazi» ДУКнинг дебитор ва кредитор қарздорлигини қисқартиришга олиб келади.

7. Истисно тариқасида, «Toshisqquvati» ДУКнинг тўлов қобилиятсизлигини инобатга олган ҳолда, даъвогарлар томонидан суд органларига мурожаат қилиш вақтида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК давлат божи ва ижро йиғимини тўлашдан озод этиш, сабаби, ушбу ҳаражатлар корхонанинг тўғридан тўғри зарари бўлиб ҳисобланади ва бу ҳолат корхонанинг ишини кескин равишда мураккаблаштиради, мазкур тўловларни тўлаш учун йўналтириладиган маблағларни газ бўйича асосий қарзни тўлашга йўналтириш мумкин.

6. 2022 йил 01.04. ҳолатига таркибий рўйхат 1252 кишини ташкил этди. 2022 йил 1 чораги учун иш ҳақи фонди 4 563 млн.сўмни ташкил этди. Иш ҳақининг тўлови касса орқали нақд пул маблағлари ва пластик карталари орқали амалга оширилади. Ойлик иш ҳақини тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат булиб ҳисобланади. Ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш жараёнида ЎзР МК бўйича ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилинади. Корхонанинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган, штат жадвали сон меъёрлари ва Классификаторга мувофиқлаштирилган, ходимларнинг режадан ортиқ сони мавжуд эмас.

Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат булиб ҳисобланади. Ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш жараёнида ЎзР МК бўйича ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилинади. Корхонанинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган, штат жадвали сон меъёрлари ва Классификаторга мувофиқлаштирилган, ходимларнинг режадан ортиқ сони мавжуд эмас.

#### 7. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги.

Ҳар йили касаба уюшмаси билан биргаликда меҳнат муҳофазаси бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилади, корхона бўлинмаларида хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилади.

Барча янги ишга қабул қилинувчилар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ММ, ТХ ва ЁХ бўйича кириш йўриқномаси ўтказилади, 2022 йил 1 чорагида жами 21 нафар ходимга, шу жумладан МТХ-2 нафар, ишчилар - 19 нафар. Жадвалга мувофиқ ИМ, цех ва бошқармада ишчи – ходимларнинг билим синовлари ўтказилди, шунингдек аварияга ва ёнғинга қарши машғулотлар ўтказилди.

2022 йил 1 чорагининг якуни бўйича "Toshkent issiqlik markazi" ДУК объектларида ёнғин ва ўт чиқиш ҳодисалари, шунингдек 1 ва 2 даражали ўчишлар содир бўлмади.

Шикастланишни олдини олишни профилактикаси мақсадида 2022 йил 1 чорагида "Toshkent issiqlik markazi" ДУК объектларида, тасдиқланган жадвага мувофиқ 3 маротаба "Техника хавфсизлиги куни" ўтказилди.

#### 8. «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» Дастур



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» бўйича 2022 йил Дастури ишлаб чиқилган ва ижро учун қабул қилинган. 2022 йилнинг 01.04. ҳолат бўйича умумий қиймати 439,3 млн.сўмлик чора – тадбирлар бажарилди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий миқдори 61 млн.сўмлик 156 минг.кВт.с электр энергияси иқтисод қилинди.

Мазкур дастур ижросини бажарилиши мониторинги ҳар ойда УЖКХКББ ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этилмоқда.

#### 9. Ижро интизоми

Тошкент шаҳар Ҳокимининг 2021 йил 15 февралдаги 178-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли Фармони ижро этиш мақсадида «Toshkent issiqlik markazi» ДУКда 2021 йил 25 февралда «Ижро интизоми мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 56-сонли директор буйруғи чиқарилди.

Мазкур буйруқ билан норматив ва раҳбарий ҳужжатларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ижро этилишини назорат қилиш учун доимий – ҳаракатдаги ишчи комиссия тасдиқланди, шунингдек корхонада ҳужжатлар билан ишлашни ташкиллаштириш ва ижро интизоми ҳолатини мониторинг қилиш тартиби ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди, ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзосини шахсий жавобгарлиги белгиланди.

2022 йилнинг 01.04 ҳолатига «Toshkent issiqlik markazi» ДУК манзилига 343 дона ҳужжат келиб тушди, шу жумладан 156 та ҳужжат юқори турувчи ташкилотлардан (Ҳокимият, УЖКХКББ, УЖКХКВ) ва 6 донаси фуқаролар мувожаати. Барча ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда ва қатъий эътиборга олинади. Келиб тушган ҳужжатлар, расмийлаштирилгандан сўнг оператив тарзда раҳбарга хабар берилади. Ижроси назорати юклатилган раҳбарга ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича тўлик ҳажмда жавобгарлик юклатилади. Раҳбарий ҳужжатлар раҳбар ходимлар иштирокидаги режалаштириш бўйича йиғилишларда кўриб чиқилмоқда.

Ижро интизоми тўғрисидаги ҳисобот мунтазам равишда корхона директори ва ҳар чоракда Тошкент шаҳар Ҳокимияти ва УЖКХКББга тақдим этилади.

Доимий асосда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК булинмаларига ишчи - ходимларни юридик характерли масалалари, ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таништириш ҳамда илтимос ва истаклари бўйича Бошқарманинг мутахассислари томонидан сайёр учравшувлари амалга оширилмоқда.

2022 йил 1 чорак яқунлари, корхонада иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, хом-ашё, реагентлар ва энергоресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ишларни амалга оширилаётганини далолат бермоқда. 2021-2022 й.й. иситиш мавсуми аварияларсиз ўтказилди. Тошкент шаҳар истеъмолчиларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш ишлари шартномага асосан, улгуржи харидор – қайта сотувчи «Toshissiqquvvati» ДУК томонидан қатъий топширилган параметрларга мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда, хатоликлар мавжуд эмас.

Иситиш мавсумини аварияларсиз ўтказиш мақсадида, тасдиқланган жадвалга мувофиқ корхона тасарруфидаги иссиқлик марказларини 2022-2023 й.й. иситиш мавсумига тайёрлаш бўйича таъмир ишлари бошланди. Корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ҳаражатларини қисқартириш мақсадида энергия ресурсларини иқтисод қилиш чора – тадбирларни бажарилиши давом эттирилади. Корхона бўйича маъёрдан ортиқ бўлган йўқотишлар мавжуд эмас. Лекин молиявий ҳолат, пул маблағларининг мавжудлиги, иссиқлик энергияси тарифини қайта кўриб чиқилиши мураккаб масала бўлиб қолмоқда, мазкур масала Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизимида комплекс тарзда ҳал этилиши лозим, корхона мустақил тарзда ушбу масалани ечиш имкониятига эга эмас.

Директор

Ш.П.Султонов